

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ

387 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини бошқаришни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2123-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини бошқаришни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2123-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 май,
ПҚ–2986-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 22 майдаги
ПҚ–2986-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини бошқаришни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2123-сонли қарорига киритиладиган ўзгартишлар

1. 1, 3 ва 5-бандлари, шунингдек, 1-, 2-, 3-, 5- ва 6-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. «Ўзэлтехсаноат» АКнинг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ маъқуллансин».